



# ЖАҲАЛІК СЎЗ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси


21 февраль, сешанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 37 (1039)

## УЧРАШУВЛАР, МУЗОКАРАЛАР, САМАРАЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР



Ҳужжатларни имзолаш пайти.



Гулчамбар кўйиш маросими.

А. ИЛЁСОВ олган суратлар (ЎЗА).

**Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳбарлигидаги мамлакатимиз расмий делегациясининг хорижга яна бир давлат ташрифи ортида қолди. Илгари хабар берилганидек, у шу йилнинг 15-17 февраль кунлари Корея Республикасига бўлган эди.**

Президентимизнинг Сеул сафари икки мамлакат ўртасида юксак суръатларда ривожланиб бораётган ўзаро тенг ҳамкорлик алоқаларининг келажаги порлоқ эканини яна бир қарра намойиш этди. Икки мамлакатнинг ўхшаш томонлари кўп, интилиш чўққилари йилгун. Сеулда кечган барча музокарада, учрашувларда, имзоланган ҳужжатларда бу алоқида таъкидланди. Икки давлат — икки халқнинг ҳам мақсади бир — XXI асрга энг ривожланган мамлакатлар сафига қadam қўйиш. Дунёдаги барча давлатлар билан ўзаро тенг ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантириши, ўзга мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик...

Булар, албатта, ўхшашликнинг сиёсий жиҳатлари. Оддий фўқаролар ҳаётини муқояса қилиб кўришса ҳам бундай ўхшашликлар кўп учрайди. Кореяликлар ҳам ўзбеклардек меҳнаткаш, сабр-бардошли, ерпарвар, элпарвар, болажон халқ. Аслида бу икки қадимий халққа мансуб ўхшашликларни санаб ўтиришга ҳоҷат бормикан. Кореяе миллилатига мансуб кишиларни биз, ўзбекистонликлар бугун кўраётганимиз йўқ — улар билан неча ўн йиллардан буюн бир мамлакатда турмушининг аччиқ-чуғини бирга табиб келмоқдамиз. 30-йилларда Сталин қатағонига учраган минглаб корейслар Ўзбекистондан паноҳ тошган эдилар. Улар бугун 200 миңга кишилик катта бир эллатга айланганлар. Ерли халқ билан бирдорлашиб, иноқлашиб кетдилар. Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг уларнинг имкониятлари янада кенгайди — ўз миллий маданияти, урф-одатлари, анъаналарини нафақат сақлаб қолди, балки ривожлантириш учун кенг шароит яратилди.

— Сталин қатағонидан биз, минглаб корейслар ўлимга маҳкум этилганлар, — деб эслади машҳур олим, тарих фаилари доктори, Ўзбекистондаги корейс маданият марказлари уюшмасининг раиси Пётр Ким. — ўшанда бу қирғиндан бизни бағри кенг ўзбек халқи сақлаб қолди. Бизга

жой берди, нон-туз берди. Биз бу юрда ўсдик-ундик. Энди ватанимиз — Ўзбекистон мустақилликка эришиб, буюк давлат қуришга киришган экан, Корея унинг ишончли ҳамкорига айланганини кўриб, чексиз қувонаймиз.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг тезкорлик билан ривожланишига боиси фақат шуларгина десак нотўғри бўлур эди.

— Сеулдаги мухташам «Шелла» меҳмонхонасига ҳали киришга улгурмасдан Ўзбекистон расмий делегацияси аъзолари ҳар ерда ҳозир у нозир ҳамкасбларимиз — журналистлар қуршовида қолди. Мухбирлар «таққиб»дан ҳатто, биз, журналистлар ҳам қочиб қутула олмадик.

— Нега Ўзбекистон билан Кореянинг муносабатлари кутилмаганда бунчалик тез ривожланиб кетди, — дейди улардан бири. — Нега Жанубий Корея бутун МДХ мамлакатларига 100 миллион долларлик сармоя киритгани-ю Ўзбекистоннинг ўзига 80 миллион доллар сарфлайди? Халқимизнинг аввало икки мамлакат ўртасидаги яхши муносабатларининг, бир-бирига ишончининг белгиси. Аини пайтда бу — республикамиз раҳбарлари юритаётган доно ички ва ташқи сиёсатнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи.

да нималарга эришишгана-рингини тасаввур этиш қийин эмас. Ислам Каримовга «Мугунхва» орденининг берилиши ҳам бежиз эмас экан-ди.

Очигини айтганда, ҳамкасбимизнинг бу гапларида нафақат ҳавас, жиндек ҳасад ҳам йўқ эмасди. Эртаси кун эса ростидан ҳам Президент Ислам Каримовга Корея Республикасининг энг олий нишонини — «Мугунхва» катта ордени тағнагани равишда тошпирилди.

— Утган йили Ўзбекистонда бўлганимда, — деди Корея Президенти Ким Ен Сам, — мамлакатингизда бошқичма-бошқич амалга оширилаётган демократиялаштириш ва иқтисодий ислохотлар жараёни менда чуқур таассурот қолдирди. Шу боис мен мамлакатларимиз ўртасида муттасил ривожланиётган ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ҳам астойдил қузатиб бораёяман. Утган кунда муздай ишларда жасалтай амалга оширилди.



«Мугунхва» катта ордени.

Ким Ен Сам жанобларининг эътирофи этганича бор. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буюн талай ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон билан Кореяни боғловчи ҳаво йўли очилди. Бугун «ДЭУ» корпорациясида ишлаб чиқаришга энгил машиналар, бежирим автобуслар, телевизор ва электроникага оид бошқа аппаратуралар Ўзбекистонликларга яхши таниш. Андижоннинг Асака шаҳрида шўбто билан қурилатган «УДЭУавто» заводи эса келусида икки юз миңг донгача автомобил ишлаб чиқаради. Кореянинг «Самсунг», «Лаки голд стар» каби компаниялари ҳам Ўзбекистонда фаол ҳаракат қилмоқда. 1993 йили икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотик 83 миллион долларни ташкил этган бўлса, бу рақам утган йилнинг 11 ойи мобайнида салкам

200 миллионга етди. Кореяликларда Ўзбекистонга, ўзбек ишбилармонларида эса корейлик ҳамкасбларига нисбатан мустаҳкам ишонч пайдо бўлди.

Ўзбекистон раҳбарининг Сеул сафаридан сўнг ўзаро ҳамкорликка оид қандай ўзгаришлар рўй беради? Бу саволга юқоридан зикр этилган ҳужжатларнинг номидан ҳам жавоб топиш мумкин. Аммо шу ўринда И. Каримов корейлик ишбилармонлар билан ўтказган учрашув ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Учрашувда Кореянинг кичик бизнес, ташқи савдо, саноат уюшмалари, савдо-саноат палаталарининг раҳбарлари иштирок этди. Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида Президентимиз Ўзбекистоннинг кенг иқтисодий имкониятлари ҳақида сўзлади.

Мамлакатимизда, айниқса, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлаб ўтди. Бу йил Ўзбекистонда 60 миңдан зиёд янги кичик корхона очилиши кўзда тутилмоқда. Зеро, жаҳон иқтисодиёти тараққиётига рағбат солинса, бунда кичик ва ўрта бизнеснинг алоҳида ўрни борлиги аён бўлади. Узоққа боришининг ҳоҷати йўқ. Жанубий Кореяда тайёрланаётган 70 фоиз маҳсулотни ана шу соҳа корхоналари бермоқда. Кичик ва ўрта корхоналарни қуриш, зарур бўлганда қайта жиҳозлаш, ишчи кучи, хошасе ва маблағ билан таъминлаш анча осон.

Ислам Каримовнинг ишбилармонлар билан ўтказган учрашувлари жуда самимий ва савол-жавобларга бой бўлди. Айниқса, Ўзбекистонда чет эл сармояси учун яратилаётган шароит ҳақида гап кетганида, тужжорлар Президентимизнинг гапини бир неча бор қарсақлар билан қаршиладилар.

— Ўзбекистон хорижий сармоядорлар учун жаннатга айланмоқда, — деди корейлик ишбилармонлардан бири. — Ахир ўзингиз уйланг: корхона беш йил мобайнида солиғу божлардан озод қилинса. Бунинг устига барча ишларга шахсан мамлакат Президенти бош-қош, қафил бўлиб турса. Хориж сармояси учун бунчалик кенг имтиёз яратилган бошқа мамлакатни эслай олмаймиз.

Бу гапнинг исботи ўлароқ қўйлаб ишбилармонлар ўша учрашувларда Ўзбекистонга бориб, қўшма корхона ташкил

етиш ниятларини маълум қилдилар.

Эрта-индин шаҳар-қишлоқларимизда янгидан-янги корхоналар иш бошласа ажабмас. Корея тупроғида бизнинг кўнглимизни тоедек кўтарган бир воқеа — маҳаллий ишбилармонларнинг тагин бир эътирофи бўлди. Уларнинг айтишича, Ўзбекистондан Кореяга келиб ишлаётган, ўқиб, тажриба орттириётган йигит-қизларимиз савия, ишбилармонлик, билим ва куч-ғайратда корейлик тенгдошларидан ҳеч қолишмайди. Ҳатто баъзи жиҳатлар бўйича улардан устун ҳам келишмоқда. Бу эътироф умид туғдирадиган, илгор технология, мураккаб машиналар билан «тиллашши» фақат хорижликларга хос эмас. Уларни ўзбек йигит-қизлари ҳам маҳорат билан бошқариши мумкин ва лозим. Шу боис бўлса керак, Ўзбекистон Президентининг Сеул сафари чоғида имзоланган ҳужжатларда Ўзбекистонлик ёшларга Кореяда илм ва иш ўргатиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Хусусан, шу йилнинг ўзида бир ярим миңга яқин йигит-қиз касб маҳоратини ошириш учун Кореяга жўнаб кетди.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари сафидан жой олишга ҳаракат қилаётган Корея Республикаси тажрибасининг ўрганишимиз ва ижобий фойдаланишимиз мумкин бўлган жиҳатлари талайгина. Шу ўринда яна бир воқеани эслаб ўтиш фойдалан холи эмас. Кореяе дўстларимиздан бири айтди: биз бу тараққиётга бир кун ёки бир йилда эришмадик. Кореяга бундан 20-30 йил бурун келганингизда бутунлай бошқача манзарани кўрар эдингиз. Одамлар бир-бирини «аҳволинг қалай», деб сўраш ўрнига, «охирги марта қачон тўйиб овқат едингиз», деб қизикар эдилар. Биз мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини нишонлаганимизда ҳам бугун сизлар эришган тараққиётга етмаган эдик. Сизлар эса атиги икки-уч йил ичида талай ютуқларга эришдингизлар.

Бу эътирофга изохининг ҳоҷати йўқ, деб уйлайман...

Ўзбекистон Президентига Корея сафарига Бош вазир ўринбосарлари У. Султонов, В. Чжен ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Кўлман ОЧИЯ,  
ЎЗА махсус мухбири.

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ Тўғрисида

Биринчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси 1995 йил 23 февраль куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари эртага 22 февраль куни эрта билан соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойсесида рўйхатта олинади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ЙИГИЛИШИНING ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлар гуруҳлари вакиллари йиғилиши эртага 22 февраль куни соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг кичик мажлислар залида бўлади.

## ҚИЗГИН ТАРАДДУД

Биринчи чакриқ Олий Мажлис биринчи сессиясида тайёрларик ишлари ниҳонсига етмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлисида санқли кунлар қолди. Маълумки, депутатларнинг тақдиринга кўра, сессия кун тартибининг лойиҳаси ва бошқа ҳужжатларини тайёрловчи ишчи гуруҳи тузилган эди. 7 февраль куни ишбу гуруҳнинг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унга раҳбарлик қилиш Олий Мажлис депутати Омон Олимжонов зиммасига юклатилди. Шунингдек Олий Мажлис биринчи сессиясида кўриб чиқиладиган масалаларга ва кун тартибига доир таклифларни ўрганиб, тегишли ҳужжатларни тайёрловчи тўртта кичик тармоқ гуруҳи тузилди. Гуруҳларга Олий Мажлис депутатлари А. Носиров, Т. Жўраев, Д. Фуломова ва А. Мирқосимовлар раҳбарлик қилишайпти.

Ишчи гуруҳи таркибига ўттиздан зиёд Олий Мажлис депутати фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир кичик тармоқ гуруҳининг аниқ мақсад ва вазифалари бор. Улар биринчи чакриқ Олий Мажлис биринчи сессиясининг кун тартиби, Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган бошқа ҳужжатларнинг лойиҳасини тайёрлаш, унинг фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, Олий Мажлис ишлари республика матбуоти саҳифалари, телевидение ва радио орқали ёритиш, депутатларни жойлаштиришдан тортиб уларга ташкилий-техникавий хизматлар кўрсатишга бўлган вазифаларни ўз ичига олади.

Маълумки, Олий Мажлиста сайланган депутатларнинг аксарият қисми парламентда биринчи мартаба фаолият кўрсатишди. Мажлислар залида гарчи уларнинг эмин-эркин ишлашлари учун барча шароит муҳайе қилинган бўлса-да, лекин техника, яъни «Рада-мажлис» тизимидан фойдаланишининг ўзига хос тартиб ва қонун-қоидалари бор. Кичик тармоқ гуруҳлари ҳатто Олий Мажлисга янги сайланган депутатларни ана шу техникадан қандай фойдаланишларини ҳам ташкил қилади.

Ишчи гуруҳи фаолиятини тешлаштириш ва тўлиқ таъминлаш мақсадида ҳар бир гуруҳга Олий Кенгаш таркибидаги мавжуд бўлимлар ўз йўналишлари бўйича бириктириб қўйилган.

Айни пайтда ушбу сессияга тегишли бўлган барча ҳужжатлар тахт қилиниб қўйилди, депутатларга хизмат кўрсатиш тадбирлари белгиланди.

Исмет ХУДОЕРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ЯНГИ СИЁСИЙ ПАРТИЯ

18 февраль куни Тошкентда яна бир янги сиёсий партия — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг таъсис курултойи бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлардан сайланган 185 нафар делегат қатнашди. Анжуманга жамоат ва бошқа ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюришди.

Курултойда партиянинг мақсад ва вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Ташкилий қўмита раиси, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг бош муҳаррири Анвар Жўрабов шу ҳақда маъруза қилди.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент типидagi сиёсий партия бўлиб, у республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанга садоқатли хизмат қилиш ниятларидан келиб чиқилган ҳолда тузилганлиги таъкидланди. Унинг асосий мақсади — мустақил Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча миллат ва эллатларнинг умумий манфаатларига мос келадиган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жамиятда ижтимоий адолатни янада мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини, юксак маънавият ва мазрифатни қарор топтиришга қўмақлашишдан иборатлиги айтиб ўтилди.

Таъсис курултойи партиянинг Низоми ва Дастурини тасдиқлади.

Курултойда партия раҳбар органлари сайланди. Шунингдек, партиянинг ҳафталик «Адолат» газетаси таъсис этилди.

Курултой қатнашчилари Ўзбекистон халқига мурожаатнома қабул қилдилар.

(ЎЗА).

**САМИМИЙ ТАБРИКЛАР**  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА  
Мухтарам Президент жаноби олийлари!  
Муборак Рамазон ойининг бошлангани муносабати билан Сиз жаноби олийлари йўлдан табриқномангизни олиб беҳда мамун бўлдим.  
Фурсатдан фойдаланиб, мен ҳам Сиз зоти олийларини Рамазон ойи билан кутлайман, турк халқи ва шахсан ўз номиндан Сизга соғлиқ, бахт-саодат, дўст ва қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.  
Сулаймон ДЕМИРЭЛ,  
Туркия Жумҳурияти Президенти.

**САМИМИЙ ТАБРИКЛАР**  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА  
Мухтарам Президент жаноби олийлари!  
Муборак Рамазон ойининг бошлангани муносабати билан йўлдан табриқингиз учун чуқур миннатдорлигимни билдираман.  
Туркия Жумҳурияти ҳукумати ва ўз номиндан Сиз зоти олийларига самимий табриқларимни, энг яхши тилақларимни изҳор этаман.  
Тансу ЧИЛПЕР,  
Туркия Жумҳурияти Бош вазири.

**РЕСПУБЛИКА ШТАБИ ЙИГИЛИШИ**  
Коровулбозор туманида бунёд этилаётган нефтни қайта ишлаш заводида навабдаги республика штаби йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари К. Ҳаққулов бошқарди.  
Йиғилишда завод қурилиши билан боғлиқ долзарб масалалар, лойиҳачилларнинг қурувчи-

лар билан ҳамкорлиги тўғрисида гап борди.  
Штаб йиғилишида нефтни қайта ишлаш заводи мунддан кенгайишга тушириш учун шу кунларда қилиниши лозим бўлган муҳим ваазифалар белгилаб олинди.  
ЎЗА мухбири.

# ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Ўзбекистон билан қўлб ҳорижий давлатлар, фирмалар, таълим ишбилармонлар алоқа ўрнатиб, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни авж олдирганлари сари республикамиз ҳудудида чет эл транспорт воситаларининг келиши кўпайди. Бу яхши, албатта. Республикага тури ва хил товлар, озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилмоқда, бу истеъмол бозорини тўлдирди, турмушимизнинг яхшиланшига хизмат қилади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, юк ташувчи чет эл автомобиллари республикамиз ҳудуди орқали қўшни давлатларга ҳам ўтади.

Юк олиб келаётган транспорт воситалари республикамиздаги қонун-қоидаларга қатъий амал қилишлари лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг 11 январдаги «Автомобилда ҳорижий юк ташувчиларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида»ги қарори транспорт воситаларининг мамлакат ҳудудигаги ҳаракатини тартибга солиш, улардан қонуний тўловларни ундириш, йўл, маиший ва сервис хизмати кўрсатиш тизимини ташкил этиш мақсадида қабул қилинди.

Текширувлар шунинг кўрсатишларида, ҳозирги кунда ҳорижий давлатлардан республикамизга келаётган, шунингдек, республикамиз ҳудудидан ўтиб, бошқа давлатларга бораётган айрим юк автомобиллари ҳайдовчилари қонунларни бузмоқдалар. Бу ҳол, айниқса, республикамиз ҳудудидан ўтиб кетаётган юк автомобилларида кўпайиб учираётган. Шу туфайли Вазирлар Маҳкамаси қарорининг 4-бандида «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг республика ҳудуди орқали ўтувчи транспорт воситаларининг ҳудудга кирган кундан бошлаб 3 кундан ор-

тиқ бўлмаган муддатда чиқиб кетишларини таъминлаган ҳолда уларнинг юк олиб ўтишлари устидан қатъий назорат ўрнатилди» деб алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳодимлари ушбу қарор ижроси юзасидан назоратни кучайтирдилар. Жумладан, 10 февраль кунини ўтказилган текширувда 20 та чет эл юк машинаси қонунни бузганлиги аниқланди. Асосан Эрон ва Туркия давлатларига қарашли бўлган бу транспорт воситалари ҳайдовчиларининг аксариятида республикамиз ҳудудига кириш учун рухсати йўқ. Улар қўшни Қозоғистон, шунингдек Қозоғистон орқали Россия давлатига ўтиб кетишлари керак эди. Лекин қўрида айтганимиздек, улар қонунни бузган ҳолда республикамизга кириб келган ва ўз вақтида давлатимиз ҳудудини тарк этмагандар.

Текширувдан маълум бўлдики, айрим машиналар ҳайдовчиларининг келиши қатъий муҳлатлари ўтиб кетган. Лекин уйга қайтиб кетишни ёки бўлмаса элчионаларига бориб ҳужжатларини расмийлаштириб олишни уйламапдилар. Ушбу транспортларда юк олиб келган фирмалар эса ҳайдовчиларининг ҳужжатларини расмийлаштириб,

да Дамашқ-Сочи-Новороссийск шаҳарлари бориш учун берилганлиги маълум бўлди. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қонунларини бузиш, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатлариз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаш, рўйхатдан ўтиш, прописка, кўчи ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муҳлати туғайча, чиқиб кетишдан бўйин товлаш, шунингдек, республиканинг амалдаги қонунчилигига хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари ва бўлишлари ҳорижий давлат транспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чоралар кўрилиши учун ҳудудий боғжона органларига ёки ички ишлар органларига келтирилишига сабаб бўлади».

Қоидабузар ҳайдовчилар қонунни бузганликлари учун тегишли жазоларини олишди. Виза муҳлати ўтиб кетган ёки визаси бўлмаган чет эл фуқароларидан 17 кишига жарима солинди. Бундайлар яна қайта шундай қонунбузарликка йўл қўйишга, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 198-2 моддасига асосан жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Шу йилнинг 10 февралда Саудия Арабистонининг икки фуқароси текшириб кўрилганда уларнинг визаси Дамашқ-Сочи-Новороссийск-Москва ҳам-

2-йўналиш — Туркменистон чегараси — Олот (Бухоро вилояти) — Бекобод (Тошкент вилояти) — Тожикистон чегараси.

3-йўналиш — Афғонистон чегараси — Хайратон (Сурхондарё вилояти) — Олот (Бухоро вилояти) — Тожикистон чегараси.

4-йўналиш — Афғонистон чегараси — Хайратон (Сурхондарё вилояти) — Гишт кўприк (Тошкент вилояти) — Қозоғистон чегараси.

5-йўналиш — Афғонистон чегараси — Хайратон (Сурхондарё вилояти) — Бекобод (Тошкент вилояти) — Тожикистон чегараси.

6-йўналиш — Қозоғистон чегараси — Хайратон (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

7-йўналиш — Афғонистон чегараси — Хайратон (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

8-йўналиш — Қозоғистон чегараси — Гишт кўприк (Тошкент вилояти) — Узун (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

9-йўналиш — Тожикистон чегараси — Бекобод (Тошкент вилояти) — Узун (Сурхондарё вилояти) — Тожикистон чегараси.

10-йўналиш — Тожикистон чегараси — Андижон шаҳарчаси (Фарғона вилояти) — Андижон вилояти — Қирғизистон чегараси.

11-йўналиш — Афғонистон чегараси — Хайратон (Сурхондарё вилояти) — Самарқанд вилояти — Тожикистон чегараси.

12-йўналиш — Туркменистон чегараси — Олот (Бухоро вилояти) — Самарқанд (Самарқанд вилояти) — Тожикистон чегараси.

Мазкур қарорнинг 3-илоҳасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига автотранспорт воситаларининг йўл қўйилиши мумкин бўлган параметрлари қуйидагича:

1. Габаритлар: эни — 2,5 метр

2. Автомобилнинг ва автотопоздларнинг узунлиги ўқларининг сони турлича бўлган автомобилларнинг узунлиги — 12 метр

3. Автомобиллар ёки автотопоздларнинг ўқига йўл қўйилиши мумкин бўлган оғирлик — 8 тоннадан ошмаслиги керак.

4. Автотранспорт воситасининг оғирлиги кўпи билан — 40 тоннадан ошмаслиги керак.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижро учун жойларга жўнатилди. Ҳозир унинг бажарилишини назоратга олиб, бу масалада узил-кесил тартиб ўрнатиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун аниқ чора-тадбирлар белгиланган ва бу ишлар давом эттириляди, ўз ижобий натижасини беради.

А. АБДУҚАҲҲОРОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН бошқармаси бўлим бошлиғи.

М. РИХСИЕВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН бошқармаси инспектори.



**ЎЗИ ҲАЛ ЭТАДИ**  
Агар бизга ишонч билдирсангиз Болгария эртагаёқ НАТОга аъзо бўлади, деди ушбу мамлакат Президентини Жело Желев АҚШга расмий ташириги чоғида.

НАТОнинг тезлик билан кенгайтиши Россияда неокоммунистларнинг кучайиб кетишига олиб келиши мумкин. Бироқ Болгария мустақил давлат ва қайси ташкилотга аъзо бўлишини ўзи ҳал этади, деди у.

**БОШИ КОТИБ МАКТУБИ**  
БМТ Бош котибини Бутрос Бутроси Аффрикада бўлаётган қочқинлар муаммосига бағишланган халқаро анжуман иштирокчиларига мактуб йўлади.

Мактубда у жаҳон жамоатчилигига мурожаат этиб, Марказий Африкадаги фуқаролар урушини бартараф этиш учун бор имкониятларини ишга солишга чақирди. Кейинги пайтда Марказий Африкада жойлашган Руанда ва Бурунди давлатларида элалар ўртасида йирик жанглар бўлиб ўтди. Натижада 2 миллион киши яшаб турган жойини ташлаб кетди.

**СУД ҲАЛ ҚИЛАДИ**  
Ботсвана ва Намибия давлати раҳбарлари икки мамлакат чегарасидан ўтган Чобе дарёсидagi кичик оролинг қайси давлатга тегишли эканига аниқлик киритиш учун Харареда учрашдилар.

Синьхуа ахборот маҳкамасининг хабар беришича, улар ушбу муаммонинг ижобий ҳал қилинишига эриша олмаган. Натижада, мазкур масала Гаага суди ҳукмига ҳавола қилинган.

**КЛИНТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ**  
АҚШ Саудия Арабистонини билан Яман ўртасидаги чегара баҳсларининг тинч музокаралик йўли билан ҳал этилишини қўллаб-қувватлайди, деб эътибор Президент Билл Клинтон Яман Президентини Али Абдулло Салехга йўлаган мактубида.

Саудия Арабистонини билан Яман ўртасидаги дўстона муносабат мазкур ҳудудда барқарор тинчлик ўрнатилишига катта ҳисса қўшади, деди Билл Клинтон.

**РАИС ТАШВИШДА**  
Қўшилмаслик ҳаракатининг раиси Эквадор ва Перу ўртасидаги чегара билан боғлиқ жанжаллардан ташвишда эканини билдирди.

Ушбу ҳаракатнинг ижроия раиси Нан Сутресна воқеалар ривожини кузатиб боришни буюрди. Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо давлатлар Перу ва Эквадорнинг дарҳол жанжални тўхтатишга ва муаммони тинч йўл билан ҳал этишга чақиради, дейилди шу ҳақдаги баёотда.

**ОДАМЛАР ПУЛ ОЛАДИГАН БЎЛИШДИ**  
Тожикистон Республикаси Президентини Имомали Раҳмонов мамлакатдаги маориф, тиббиёт ва маданият ходимларининг анчадан буюн тўланмаётган маошларини бериш учун 5 миллион АҚШ долларини ажратди.

Бу рўйхатга талабалар ва нафақаўрлар ҳам кирди. Нақд пулнинг етишмаслиги туфайли давлат аҳолига ҳақ тўлай олмапти ва унинг қарзорлиги ҳалокатли даражага келиб қолди. Бу рақам 620 миллион рублнинг ташкил этади.

**ҲАРБИЙ КЕМАЛАР КЎПАЯДИ**  
Ҳиндистон ҳарбий кемалар қуриш учун зарур ускуналарни Россия Федерациясидан сотиб олмақчи.

RATA-TACC ахборот маҳкамасининг хабар беришича, икки мамлакат ўртасида шу ҳақдаги битим ҳам имзоланган. У Ҳиндистон-Россия қўшма ишчи гуруҳининг Деҳлида ўтган йиғилишида қабул қилинган.

**ЎЛКА МАЪМУРИЯТИ ҚАРШИ**  
Приморье ўлкасининг думаси Россия парламентига мурожаат этиб, 1991 йилда имзоланган чегараларни қайтадан белгилаш бўйича Россия-Хитой шартномасини янгитдан кўриб чиқишни сўрамоқчи.

Ушбу шартномага кўра, Приморье ўлкасининг 1500 гектар ери Хитойга ўтиши керак. Ўлка маъмурияти эса бунга қарши чиқмоқда.

**ҲАР ПРОВИНЦИЯДА КАМОҚХОНА ҚУРИЛАДИГАН БЎЛДИ**  
Жорий йил ичида Хитойдаги ҳар бир провинция биттадан замонавий қамоқхона, 1998 йилгача эса бештадан янги усулда ахлоқ тузатиш уйи қуриши керак.

ХХР адлия вазирини Сю Ян Пекинда бошланган ҳуқуқ-тартиб ташкилотларининг умумий конференцияси катнашчилари олдига шундай вазифа қўйди. Унда қамоқхоналардаги шароитларни яхшилаш масаласи муҳокама этилмоқда.

**АРМИЯ ПОЛИЦИАЛАР ВАЗИФАСИДА**  
Италия парламенти депутатлар палатаси ҳукуматнинг мамлакат жанубидаги уюшган жиноятчиларга қарши курашда армия бўлишларидан фойдаланиш мудоатини шу йилнинг 30 июнига қадар узайтириш ҳақидаги декретини тасдиқлади.

Италия армиясининг ҳаво десантчилари Сицилида уч йилдан буюн полициячилар вазифасини бажариб келмоқда. Улар бу ерда анъанавий тус оларин жиноятчиликка қарши курашда катта ёрдам бермоқда.



**Фарғона вилоятининг Бешариқ туманида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, «Дўстлик» ширкатлар уюшмасида 9 май кунини уруш фахрийларига совғалар улашиш режаланапти.**

**СУРАТДА:** «Дўстлик» ширкати уюшмаси раиси Ҳамзали Турдиев (чапда) уруш фахрийлари А. Остонов, У. Муразаҳмедов, А. Мирзақулловларни «Жасорат» медалли олганликлари билан кутламоқда.

Т. ҲОШИМОВ олган сурат.

**ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНСА КИМИ ФЙДА**  
Бугунги кунда ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг гайрат-шижоатлари туфайли кўп соҳаларда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Шу боис Самарқанд вилоятида ҳам уларни қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтириляпти. Айниқса, мамлакат Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонидан кейин бу бордаги ишлар янада жаддалашди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сонини ҳозир 1.600 тадан ошди. Уларнинг 712 таси хусусий, 882 таси жамоа мулк шаклида ишламоқда. Бу корхоналарда меҳнат қилётганлар сонини йилгача бир миң беш юз кишини ташкил этади.

Яқинда вилоят ҳокимлигида ишбилармонлар ва тадбиркорлар билан ўтказилган йиғилишда аниқ шунлар ҳусусида сўз юритилди. Лекин йиғилишда таъкидланганидек, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланилапти, деб бўлмайди. Лоқайди оқибатда қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Нотинлар бу ҳақда рўй-рост фикр юритилди.

Анжуманда 1995 йилда мумкин давлат тасарруфидан чиқариш, уни ҳақиқий ағаларига топшириш, тадбиркорликни кенгайтириш учун етарли шароит яратиши юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди олинди.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ҚАРШИ ШАҲРИДА ЯНГИ МУЗЕЙ БИНОСИ ТИКЛАНДИ**

Шаҳардаги ўлкашунос музейининг яроқсиз, мослаштирилмаган биносидан саккаунга 27670 сўмлик 17866 донга нодир экспонат ва қимматбаҳо қўлмага ҳайдаги тарихий ҳужжат зах ва қоронги хоналарда тобора ўз қимматини йўқотиб бораётган эди.

Шунинг билан ҳам уларни қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтириляпти. Айниқса, мамлакат Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонидан кейин бу бордаги ишлар янада жаддалашди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар сонини ҳозир 1.600 тадан ошди. Уларнинг 712 таси хусусий, 882 таси жамоа мулк шаклида ишламоқда. Бу корхоналарда меҳнат қилётганлар сонини йилгача бир миң беш юз кишини ташкил этади.

Яқинда вилоят ҳокимлигида ишбилармонлар ва тадбиркорлар билан ўтказилган йиғилишда аниқ шунлар ҳусусида сўз юритилди. Лекин йиғилишда таъкидланганидек, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланилапти, деб бўлмайди. Лоқайди оқибатда қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Нотинлар бу ҳақда рўй-рост фикр юритилди.

Анжуманда 1995 йилда мумкин давлат тасарруфидан чиқариш, уни ҳақиқий ағаларига топшириш, тадбиркорликни кенгайтириш учун етарли шароит яратиши юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди олинди.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**• Савол беринг, жавоб берамиз**

**АНГЛИЯДАН ХАТ ТОНШЕНТГА ҚАНЧАДА КЕЛАДИ?**  
Хурматли редакция! Биз Англиядаги дўстларимиз билан хат ёзишни турғамиз. Лекин биз ёзган ва у ердан олаётган хатларимиз манзилга жуда кеч етиб бормоқда. Шу муносабат билан қўйидаги саволимга жавоб беришингизни сўрайман:

Хатлар Ўзбекистондан чет элга қандай тартибда жўнатиляди? Британиядан юборилган мактублар қай тарзда етиб келади? Икки мамлакат ўртасида авиалочта хизмати йўлга қўйилгани?

Мухтор БЕГМАТОВ, Кўкон шаҳри, Ушбу саволга «Ўзбекистон почтаси» концерни бўлим бошлиғи Гузал Абдулазизова қуйидагича жавоб беради:

**КЕЧИКИШГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ**  
«Ўзбекистон почтаси» концерни ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиа-

компанияси билан биргаликда имзоланган шартномага асосан ҳорижий давлатлар билан почта айрибошлаш хизмати йўлга қўйилган. Жумладан, Буюк Британия, Германия, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Покистон, Хитой, Ҳиндистон, Баҳрайн, Таиланд, Саудия Арабистонини, Малайзия, Жапония, Исроил мамлакатлари корхоналари, ташкилотлари ва фуқаролари авиалочта хизматидан фойдаланиши мумкин. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Украина, Беларусия, Туркменистон давлатлари билан турғидан тўғри авиация ёрдамида почта айрибошлаш амалга оширилмоқда.

Ҳозир республикамиздан чет элларга самолётлар белгиланган вақтлардагина учадилар. Шу сабабли хат-хабарлар етиб бориши кечикмоқда.

Хусусан, Буюк Британия билан Ўзбекистон ўртасида

ти дурдоналарини, қимматбаҳо тарихий ҳужжатлар ва бошқа қўшимча экспонатларни халқаро музейлар талабига мос, томошабин учун қўлай усулда жойлаштиришга алоҳида эътибор берилган. Лоқайди илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, кўргазмалар уюштириш ва ҳужжатли, илмий-оммабоп фильмлар намойиш этиш учун 100 ўринчи махсус зал, ҳорижий меҳмонлар учун миллий хўнараччилик буюмлари, эскилик совғалари савдоси дўкони ва бир қанча қўлайликлар кўзда тутилган.

Музей биноси Қарши шаҳрининг марказий маданият ва истроҳат боғига туташ Шон-шўхрат кўрғонининг оралиғида барпо этилди.

Гульмира МУСАЕВА.

ҳаво маршрути йўлга қўйилган кундан бошлаб Лондондан почта жўнатмалари тўғри шу рейс орқали кела бошлади. Биз томондан эса айрим ҳужжатларини имзолаш кечикканилиги сабабли хат-хабарлар ва почта жўнатмалари Буюк Британияга бошқа давлатлар орқали жўнатиладилар. Шу сабабли почта жўнатмалари билан кечикиб етиб борган. Ҳозирги кунда бундай ҳолларга барҳам берилган.

**ФАРМОНЛАР ҚИЗИҚТИРИБ ҚОЛДИ**  
Хурматли редакция! Мен «Халқ сўзи» газетасини мунтазам ўқиб бораман. Унинг тобора ўқинили бўлиб бораётганлиги кўпчиликни хурсанд қилмоқда. Айниқса, газета саяхатларида «Марҳамат яна савол бермиз», «Савол беринг, жавоб берамиз» руқиялари остида берилаётган мақолалар мени қизиқтириб қолди. Улардаги жаваблардан кўп нарсаларни биллиб оляпмиз.

Менда ҳам савол бор эди. У қуйидагича: Фашизм усти-

## МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ — ЭЪТИБОРДА

**Мулк хилма-хиллиги, бозор муносабатлари шароитларида ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси масалаларига эътибор бирмунча сусайиши кузатилмоқда.**

Касаба кўмиталари шунинг ҳисобига олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуни талаблари оғишмай амалга оширилиши устидан назоратни кучайтираётдилар. Чунончи, кейинги йилларда Тошкент вилояти касаба ташкилотлари 4600 дан ортик текшириш ўтказиб, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида кўпайиб жиддий камчиликлар содир бўлаётганлигини аниқладилар. Меҳнат муҳофазаси қоидалари ва меъёрларини бузганлиги учун 161 раҳбар ходим вазифасидан четлаштирилди. 929 мансабдор шахсга жарима солинди. 2500 га яқин дастхот, 169 та ишлаб чиқариш ва цех, 3 та корхона иши тўхтатиб қўйилди. Аниқланган нуқсонларни бартараф этиш, меҳнат шароитларини яхшилаш тадбирларига 1,5 миллиард сўм сарфланди. 78 мингта ташкилий-техникавий тадбир амалга оширилди.

Ж. ҚОСИМОВ.

дан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигини муносаб билан нишонлаш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган экан. Шунлар ҳақида газета орқали жавоб берсангиз.

Бону ИСМОИЛОВА, Ўқувчи тумани.

Газета муҳлиснинг юқоридagi саволига Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг масъул котибини Б. Каиповнинг жавоби қуйидагича бўлди:

**ҒАЛАБА КУНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ БЎЛАДИ**  
1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасида қуйидаги ҳукумат ҳужжатлари қабул қилинган:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини И. Каримовнинг 1994 йил 16 мартда «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни

ўтказиш ҳақида»ги Фармони.

Ушбу Фармонга мувофиқ Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланадиган кун — 1995 йил 9 май умумхалқ байрами кунини, деб эълон қилинган ва унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмакга тўзилган. Шунингдек, шу йил апрел ойига қадар «Ёдгорлик» китоби нашр этиш белгиланган.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 июлдаги «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар ҳақида»ги қарори.

Бу қарор билан фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тадбирларни ўтказиш бўйича республика ташкилий кўмитасининг дастури тасдиқланган.

Айни пайтда Ғалаба кунини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда.

**Сарлавахани ўқиб, «ҳозир қулупнайга бало борми» деган гап кўнглингиздан ўтиши табиий. Лекин бир пайла аччиқ кўк чойга бир қошиқ қулупнай мураббоси (агар бўлса) солиб ичинг-да, бу воқеий хангомани ўқиб чиқинг, дарҳол фикрингиз ўзгариб қолишига кафилман. Уни менга галлаораллик боғбон Эштемир Муллабоев айтиб берган.**

— Йигирма йил муқаддам боғдорчилик ҳўжалигида директор бўлиб ишлардим, — дея гап бошлади Эштемир ака, — Бир куни мева-сабзавот саноати вазири Ориф Алимовдан антиқа топшириқ олдим.

— Уч гектар ерга қулупнай эк, келгусида ҳар бир вилоятда қулупнайзорларни ўн гектарга етказамиз, — деди у киши, кейин жиддий оҳангда кўйиб кўйди — бу менинг топширигим эмас, Шароф Рашидов ташаббуси.

Бу гапдан сўнг ўйлаиб ўтиришга ҳам ҳожат қолмади. Аини кузда Тошкентдаги кўчатчилик ҳўжалигидан қулупнай ниҳолларини опкелиб ўткази бошладик. Озроқ пахтамиз ҳам бор эди. Сангзор дарёси соҳилидаги баҳаво ерларга охириги қулупнай кўчатларини ўтказиб бердик. Бир пайт райкомнинг биринчи котиби Арслон Ҳакимов келиб:

— Нега пахтада одам кўринмайди? — сўраб қолди у.

— Қулупнай экишятувди, бугун бўламиз, — мендан олдинроқ жавоб берди бригадиримиз Абдурайим Тошбўлов.

— Буни ким буюрди сенга, — дея бакириб кетди котиб.

## НАХОТ ҚУЛУПНАЙ АНҚОНИНГ УРУҒИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ?

— Мен буюрганман, мендан сўрайверинг, — дедим бригадирнинг тарафини олган бўлиб.

— Кечқурун райкомга бор, қулупнайнинг шляпанг тагига солиб, эзиб ташлайман, — деди у киши кетаётиб захархандалик билан. Кечқурун оладиганимни олдим, қаттиқ хайфсан беришди. Аччиқ устиди мен ҳам дилимда портлай деб турган бир гапни айтиб юбордим: «Асрлон ака, агар Шароф ота шу қулупнай кишини вазирлик орқали эмас, сиз орқали айтганда, ҳар бир соатда чақириб, «қўй пахтагни, қулупнайни тезроқ тугат», — деб қистов олардингиз, — дедим.

Орадан кўп ўтмай, Арслон ака Баҳмал туманига биринчи котиб

қилиб ўтказилди. Орадаги гина-қудрат эса кўтарилмади. Келаси йили баҳорда у киши бошлиқ ўзроқ текширувчилар келиб қолишди. Ҳўжалигимизни айланиб юришганди, бир ҳазиллашим келди.

— Юринглар, бир жойга «хайфсан» экканман, ҳосили жуда мўл бўлган, — деб қулупнай фарқ пишган пайкалга

қулупнайни ортиб обкомга борди. Килоси беш сўм, лекин обком ходимлари бир килодан ортиқ олмайди. Кейинги сафар яна бозорга опчиқшга мажбур бўлдик. Бу орада вилоят прокурорига «Эштемир қулупнайни бозорга сотиб, текин даромда қиялпти», деган мазмунда думалоқ хат тушибди.

Прокуратура ходими

бориб, Абдурайим ака бошқа сўроққа келмайди, биз ўғри эмасмиз, деб келдим. Шу-шу «дело» ёпилиб, қулогимиз тинчигандай бўлди. Орадан беш ой ўтгач, Абдурайим акага туман прокурори Абдулла Бойзоқовдан яна чақирув қозғош келди. Борса, «энди хафа бўлмайсиз, бизга иши тушганнинг бетига озроқ куя суртмасак бўлмайди,» деб 75 сўм 40 тийин жарима солибди.

Шу-шу Абдурайим Тошбўловнинг қулупнайдан кўнгли қолиб кетди. Бунинг устига мен ишдан бўшаб қолдим. Ҳўжаликка янги директор бўлган Баҳром Нуруллаев Абдурайим акага «қулупнайга ўзингиз яхшилаб қарайсиз-да», деса, у кўнмабди.

— «Қулупнай» сўзини эшитсам бададимга эшакем тошади, — дедим.

Бундан хуноби ошган директор уч гектарлик қулупнайзорни қайдатиб ташлабди. Йигирма йиллик хангомани эслаб ҳамон кулгим кистайди. Шундай жанжалор бошқа жойларда ҳам бўлганмикин, дея ўйлаиб қоламан. Дея ўйлаиб қулупнай мураббоси анқонинг уруғи бўлиб қолди? Бу шифобахш, доривор мевага бўлган муносабатни ўзгартиришнинг иложи йўқмикин?

Хангомани оққа кўчирувчи «Халқ сўзи» мухбири Ҳ. НАБИРАЕВ.

## ТошДУ ташкил этилганлигининг 75 йиллиги олдидан ШАРҚДА ШУНДАЙ МАСКАН БОР

**Даврада ўтирган бир дошшмандагашундай савол берибди:** «Айтингни, сиз отангизни юқори ўринга кўйсизми ёки устозингизни?» «Устозини» — жавоб қилибди дошшман. Даврада ўтирганлар бу жавобдан хижолат бўлиб, бир-бирларига қараб қолишди. «Сизлар ҳайрон бўлманглар, — изоҳ берибди дошшман. — Албатта, Худой таоло қудрати билан отам мени осмондан ерга туширди, устозим эса мени ердан осмонларга кўтарди!» Даврадашлар энди дошшманнинг зуқолигига тан беришди. Дарҳақиқат, унинг устоз ҳақида қилган лутфи жуда шайоли чиқибди.

Йилаб қолсан киши. Агар устознинг қадри халқимиз орасида шунчалар эъзозли ва юксак бўлса, у ҳолда ўшандай устозга ўз бағридан жой берган, меҳр берган қутлуг масканнинг мақоми, мартабаси қандай даражада бўлар экан? Баланд бўлади, албатта, бунга шубҳа йўқ ва биз бунинг гувоҳи ҳам бўлдик. «Биз» деганимиз Тошкент давлат университетининг бир гуруҳ мураббийи ва муаллимлари. Университет ректори, академик Т. Жўраев бошчилигида Қорақалпоғистон Республикасида ва қадимий Хоразмда бўлганимизда қутлуг масканнинг мақоми юқори эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик.

Нукус давлат университетининг ректори, профессор Қувончбек Отаниёзов (ТошДУнинг собиқ тўғилиши) бизга университет задаларини, муҳташам хоналарини кўрсатар экан, унинг қувончи чексиз эканлигини сезиб турардик. У меҳмонларни қўйгани жой топа олмасди. Меҳмонлар ичида унинг университетдаги домласи Раҳим Тиллаев ҳам бор эди. Қолаверса, бошқа меҳмонлар — академик Асқар Холмуров, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, профессорлар Шавкат Отажонов, Гўлмурид Худойберганов, Абдулдуҳон Абдуғаниев ва Телман Хўжаевлар ҳам унга аввалдан қадрдон эдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси Уббинийёз Аширбеков биринчи бўлиб сўз олди ва Тошкент давлат университети, унинг Қорақалпоғистон учун етказиб берган кадрлари тўғрисида гапириб миннатдорчилик ихроҳ этди. Абдулла Орипов ўзининг гўзал шетрлари билан файзли оқшомни яна ҳам файзли этди. Шоира Гулистон Матқубова ва адиб Камол Мамбетовлар университет аҳлини қутлуг тўй билан мубораққод қилдилар. Академик Асқар Холмуров «юбилар»ни жаҳондаги бошқа университетлар билан қийслаб гапирди, унинг нуфузини кўтариш ҳақида академик Жўраевнинг қуночаклиги билан айтган сўзларини қўллаб-қувватлади.

Мең бу сўзларни эшиттар эканман, қувониб ўтирдим. Гап шундаки, бу ҳақда мен ҳам гоҳ-гоҳ хаёлларга берилар эдим. Эсимга жаҳондаги машҳур билим даргоҳлари тушарди. Англиядаги XII асрда ташкил қилинган Оксфорд, 1215 йилда очилган Париж (XVII асрдан уни Сорбонна деб аташди) университети, Шимолий Америкада биринчи университети саналатган Ҳарвард (1636 йил), Россиядаги Ломоносов университети. ...Мен атайлаб биринчиларни эслаётиман ва барча «биринчи»лар бугун жаҳонда жуда машҳурдир, уларнинг мақоми мартабаси чиндан ҳам осмонда, 1970 йилда Сорбоннанинг ўзида ўн учта университет ташкил этилди.

Тошкент давлат университети ҳам Туркистонда биринчи университетдир. Айрим рақамларни келтирмакчиман: чорак кам бир аср ичида бу қутлуг маскан Ўзбекистон ва қарлош республикалар, бир қатор ҳорижий эваляри учун тўқсон беш мингта яқин юқори савияли мутахассис тайёрлади. Бу ерда фаннинг ўттиз йўналиши бўйича таълим берилди. 1920 йилда талабалар сони 1414 бўлса, 1995 йилда ўн мингта яқин студент ўқимокда. Ҳисоблаб қарасак, унинг бағридан ўн саккиз олий ўқув юрти ажралиб чиқибди. Бундай олий ўқув юртлари бошқа мамлакатларда ҳам бор. Қутлуг маскан тарбиялаган улуглар ичида Мухтор Анезов, Ойбек, Қори Нисёйи, Обид Солиқов, Собир Юнусов, Бўрибой Аҳмедов сингари қўллаб қанга ва алабийет намойндалари бор. Факультетларда олиб борилаётган тадқиқотлардан беҳад қувонасан киши. Физика соҳасида ярим ўтказгичлик кремний моддасига киритилган аралаш-

ма атомлар ҳаракатлари ўрганилиши дейсизми, кимё соҳасида полимерлар бўйича комплекс олиб борилаётган тадқиқотлар дейсизми... Биология соҳасида — академик Ж. А. Мусаев раҳбарлигида «Гулбаҳор» гўза нави синовдан ўтати, геология соҳасида — Тяньшан геологияси ва гидродинамикасини ўрганиш ишлари ЎзФА мухбир аззоси Т. Н. Далимов фаолиятига тегишлидир. Ижтимоий соҳада академик Э. Юсупов раҳбарлигида Ўзбек халқининг маънавий қадриятлари доирасида кенг изланишлар амалга оширилмоқда...

Ҳа, Тошкент давлат университети илм-фанининг карвонбошини сифатида Туркистон заминида фаолият кўрсатиб келаётган биринчи олий ўқув юртидир ва унинг мақоми шунга яраша бўлмоғи лозим.

Амударёдан ўтиб Урганчга келдик. Биринчи гапта Хива зиёратига ошдик. Биз улуг алломалар Муҳаммад ал-Хоразмий, Абурайхон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Ибн Аъроқ, Қамарий ва ал-Қосин сингари олимлар ижод этганлар. Фанимизда катта аҳамиятга эга бўлган ҳолисаси — икки буюк олим Беруний ва Ибн Сино ёзишмалари ҳам шу ерда дунёга келган. Ушбу илмий мутоазада олимлар фазо, исидикнинг тарқалиши, жисмларнинг исидикдан кенгайиши, нурнинг акс этиши ва синиши каби масалаларда баҳс юритилган. Маъмур академияси ташкил бўлганига келаси йил 985 йил тўлади. Хоразм вилояти ҳокими Маркс Жуманиёвнинг айтишича, бу сана катта байрам сифатида нишонланади.

Хоразм филармониясининг муҳташам биносида академик Жўраев ТошДУ тарихи ҳақида сўзлар экан, университетнинг қадимий илм-фан, маданият, маънавий сарчашмалари, бой анъаналар заминида вужудга келганини таъкиллаб ўтди. Ва бунда, шубҳасиз, буюк боболаримиз, биринчи академиямизни назарда тутди. Улугбек академиясига ишора қилди. Маркс Жуманиёвнинг сўзига кўра, унинг Ватанимиз тараққийида тутган ўрни, халқ ҳўжалиги учун етказиб бераётган малакали кадрлари, илм-фан ўчоғи сифатида кўрсатаётган фаолияти хусусида гапирди.

Бугунги кунда Хоразмда Тошкент давлат университетининг жуда кўп «фаранд»лари меҳнат қилишмоқда, мустақил Ватан фаровонлиги йўлида тер тутишмоқда. Ҳоким Тошкент ва Урганч давлат университетларининг ўзаро алоқалари ҳақида ҳам тўхталиди. Урганч давлат университетининг ректори Азим Саъдуллаев, шоир Ошиқ Эркин меҳмонларни қутлуг тўй билан табриқлаб, дил сўзларини айтдилар. Залда ўтирилганнинг аксарияти университетнинг собиқ талабалари эди. Улар сабоқ йилларини эслашар, умрларининг энг гўзал онлари ўша йиллар эканлигига тақрор-тақрор иймон келтирар эдилар...

Тошкент давлат университети мақоми ҳақида гапирганимга яна бир асос — унинг жаҳонда машҳур халқаро Университетлар ассоциацияси аъзоси эканлиги ҳамдир. Ушбу маскан дунёнинг ўттиздан ортиқ университети билан олий таълим, илмий ва маданий соҳаларда алоқа ўрнатган. Шунинг учун шу йил олтин куз фаслида Тошкентда ўтадиган тантаналарда Америкадан тортиб Хитой, Олмония ва Туркиялардан тақлиф қилинган меҳмонлар иштирок этиши табиий. Меҳмонлар университетимиз ҳақидаги таассуротларини дунёнинг турли бурчакларига етказдилар. Демак, тўй хабари ўша ерларга ҳам етиб борди. Ҳозирча эса бу тўй Қорақалпоғистон Республикасида, Хоразм воҳасида бошланди. Бошланиши ниҳоятда ҳайрли ва қувончли бўлди.

Ҳа, ТошДУ тўйи ҳали давом этади. **Мухаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Нукус-Урганч-Тошкент.**

## АРЗОНГА СОТИЛАЯПТИ

**Узун туманидаги «Азамат» хусусий фирмасининг 3 та тегиримони бор. Тадбиркорлар баъзан ўзлари бугдой топиб, ун тайёрлашади.**

Яқинда «Азамат» аҳолига 84 ҳалта уннинг ҳар қопини 250 сўмдан... сотди. Тагин сиз бу тегиримонда тортилаётган ун сифати паст бўлганлиги учун арзон сотилипти, деб ўйламанг. Йўқ, гап шундаки, бу ун, асосан, серфарзанд, демакки, иқтисоди қийналиб қолган хонадонларга сотилди. Тегиримон ҳақи ҳам беш баробарга арзонлашди — бир ҳалта (50 кило) ун тортирсангиз, аввалгидек ва бошқа жойлардагидек 5 кило ун бермайсиз, балки бир кило берсангиз, тегиримончи «Бас!» дейди. Фирма директори Азамат Ҳасановнинг бундай кўрсатмаси фуқароларни хурсанд қилгани билан тегиримончиларни ҳам ҳафа қилгани йўқ. Чунки баракат — саховатдир!

Тождилан РАЗЗОҚ.

## САХОВАТЛИ «САЛИМА»

**Бундан бир неча йил муқаддам нон заводи шахобчаси — уйда иш бошлаган тадбиркор Неймат Турсунбоев мапа бузуи уни мустақил кичик корхонага айлантирди. Бунинг учун ҳашар йўли билан ишлаб чиқариш цехлари қурилди. Илгари 3-4 одам ишлаган бўлса, эндиликда 60 нафардан ошди.**

Ойига бу ерда 70 тонна нон маҳсулотлари, 10 тонна макарон, 20 тонна қандолат йиринликларни ишлаб чиқарилмоқда. Буни пулга чақадиган бўлсак, 2 миллион сўмдан ошди. Аиниқса, бу ерда ёпилаётган миллий қозон патир, ёғли патир ва қандли диабетли бор кишилар учун таркиби саксон беш фоиз учинчи нав ун ва ўн беш фоиз кепакли, пахта мойи қўшилган кичик ҳажмдаги қора буханкалар элга манзур бўляпти.

Рамазон кунларида янги цех ишга туширилиб, новвот, парварда, нишолда чиқарила бошланди. «Салима»нинг бу саховатидан Жиззах туманидаги Қангли қишлоғи аҳолиси беҳад мамнун.

Н. ҲАЙИТҲОЙ.

**Фирма Сизнинг Ўзбекистондаги ҳисоб-китоб септининг ўрнига септинингизни Россияда тўғлайди.**

Мурожаат учун тел.: **32-13-93**  
(Соат 9.00 дан 18.00 гача).



Аини кунда Жалолқудук туманидаги «Хуршид» кичик корхонасида меҳнат қилаётган 11 нафар тикувчи аёллар ҳалати ҳамда болалар кийимларини тикшиаяпти. Яқинда туман ҳокимлиги бу кичик корхонанинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида янги бино қуриш учун 0,5 гектар ер ажратди. Янги бино ишга тушгач тикувчилар сони 40 тага атади.

**СУРАТДА:** кичик корхона тикувчиси Оминахон Назарова.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

## ҲАМКОРЛИК МЕВАЛАРИ

Андижондаги «Электроаппарат» заводи корхона учун комашёларнинг асосий қисмини МДХ шахарларидан олади. Иқтисодиётдаги чигалликлар ўзаро алоқаларни издан чикарди. Аини андижонликлар «Сиздан унча — биздан бугина» қабилида иш тутишмоқда. Бу ерда тайёрланаётган ППБ-3 аппаратлари Россияга жўнатилиб, у тоқсондан зарур комашё олиномоқда. Тадбиркорлик туфайли аҳоли талаби бўйича маҳсулот тайёрланаётди. Яқинда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган электр узайтиргичлар ана шундай буюмлардан бўлди.

Корхона мутасаддилари яна бир хайри ишга кўл уришди. Эндиликда заводда электр ҳисоблагичлар чикарила бошланди. Аини кунларда маълум цехларда жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Вақо-ланки, ана шу маҳсулот авваллари ўзга юртлардан олиб келинарди. Энди ўзиники бўлганига не етсин.

**Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

**Акционерлар, инвесторлар, тижорат банклари, корхона ва ташкилот раҳбарлари ДИҚҚАТИГА!**

**«Ташлолтрафкомбинат» Сизлар учун қўйидагиларни тайёрлаб беради**

- Акционерлик жамиятларининг акциялари.
- Корхона давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида ордер.
- Сертификатлар, чек дафтарчалари, лоторея билетлари.
- Майда-чуйда буюм ва колхоз бозорларида жисмоний шахслардан йиғим олингани ҳақида бир марталик талоонлар, сотиш ҳуқуқи ҳақида руҳсат гувоҳномаси, арақ-вино ва бошқа молларни сотиш ҳуқуқи ҳақида лицензия. Буларнинг ҳаммаси рўйхатта олинган рақами ва қатъий муҳофазаси билан берилади.
- Каучуқли ва металл муҳр ҳамда штамплар.
- Жиддий ҳисобот ҳужжатлари, товар-транспорт накладнойлари.

Муҳофазаси, арзон нарх, юқори сифат, киска мўлдат.

44-38-93, 44-34-01, 44-37-92

**30**

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси

**ДИҚҚАТ!**

**ЖАМИАТЛАШТИРИШ ҚЎЙИШ УЧУН ҚУЛАЙ МАНЗИЛ!**

**«Хусусийлаштириш миллий инвестиция жамғармаси» очик типдаги акционерлик жамияти биринчи чиқарилган акцияларни 100 сўм номинал баҳода сотишга киришди.**

**Жамғарманинг акциялари акционерлик жамиятининг хусусийлаштириш жараёнида шакланган энг ликвидли мол-мулки билан мустақкам ҳимояланган.**

**Акцияларни қўйидаги манзилда хоҳлаган кун эркин сотиб олиш ва сотиш мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй, 301-хона.**

**Телефон: 33-40-01.**

Тошкент ҳисоб-муносиблик техникуми маъмурияти ва жамоси маъмур техникумининг директори Ғайрат Қодирова олдидан

**Ошдаҳон ЭГАМБЕРДЖЕВ** вафот этганини муносабати билан чўқур ҳамдардлик ихроҳ этадилар.


Республика Қишлоқ ҳўжалик вазирлиги жамоси иқтисодиёт ва ислохотни жорий қилиш бош бошқармасининг бош мутахассиси Р. Нисёвотга ақаси

**Анварат НИЗОВИЙ**

Совет вафоти муносабати билан чўқур тавсия ихроҳ этади.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

Буёқ соҳибқирон Амир Темур қабрини очиб ва ҳужумат илмий экспедицияси иш жараёнини орадан 53 йил ўтгач, экранда қайта жонлантирган «Гўри Амир» ҳужжатли фильми Давлат мукофоти совриндори, жаҳон ҳужжатли киносининг бирик намоёндаларидан бири Малик Қаюмовнинг наъбатдаги яна бир ишидир.



У фильм муаллифи, режиссёр-оператори ва ҳикоянавис сифатида ўз бисотида авайлаб, эъзозлаб келган тарих билан томошабинни 16 дақиқа давомида таънаштира-да, ана шу лаҳзалар қалбларга мангу муҳрланиб қолади. Фильм 1941 йилнинг 16 июнидан 23 июнигача Темур ва темурийлар хилхонасини очишда суратга олинган хроникаль кадрлардан иборат. У кенг жамоатчиликка илк бор кўрсатилмоқда. Ноёб тарихий суратларга боқиб, комиссия бошлиғи, академик Қори-Ниёзий, антрополог Л. Ошанин, тарихчи-ша-рқшунос А. Семёнов, ёзувчи Садриддин Айний, антрополог-ҳайкалтарош М. Гера-симовларнинг жамоат-чилик вакиллари ишти-рокида соҳибқирон қаб-ри ва тобутини очиши

қандай вазиятда олиб борилганлигини аниқ тасаввур қиламиз. Ачиқ ҳаёт ҳақиқатидан огоҳ бўламиз. Самарқа-ндада юз берган сув тоқ-қини Темурийлар хил-хонасига қанчалик зар-рар етказганлигини, бизгача етиб келган та-

бошланади», — деган ёзувларни ўз кўзи би-лан кўрганлигини эс-лайди. Кези келганда айтиб ўтиш керакки, кўшни мамлакатлардан бирида чиқадиган «Го-лос» нашрининг 1994 йил 24-сонида тарихчи Т. Жулдузбоевнинг жа-ҳонгир қабрини очиш-вий бойлик ва қадрият-ларимиз топталганлиги ҳақида сўзлайди. Фашист босқинчиларининг қўққисдан Ва-танимизга бошлаган уруши туфайли Гўри Амирда олиб борилаёт-ган ишлар тўхтатилди... Регистон майдони йи-гитлар билан хайрла-

ШУНАҚАСИ ҲАМ БУНАҚАДИ

САРОБ «МММ» ҳиссасдорлари яна олти ярим минг рублга тушишди.

Нижний Новгородлик ҳар бир ҳиссасдор Мо-сквадан посылка келганлигини билдирувчи маълумот қозғоли олганидан севинчи ичига сиг-масди. Ҳақиқат қарор топибди-ку. Улушимизни оладиган бўлди деган хаёлга боришди. Кутини олиш ниятида алоқа бўлимига борганларида 6,5 минг рубль тўлашлари шартлигини айтишди. Аксарият одамлар ҳеч иккиланмай чўнтак қов-лашди-ю қойиллатишди. Кўпчилик кутини қў-лига олгач, уйига етишга ҳам сабри чидамай очиб кўришувди, ичидан чиroyли халтачаларда жойланган гул ва сабзавот уруғи чиқди.

ШАХСИЙ ҚҶРИҚЧИЛАРИ — АЁЛ

Бавида шунақасия бўлади. Эркарлар эллаёлмаган ишини (гарчи у эрлар юмуши бўлсаям) аёллар қойиллатишади.

Германиялик машҳур теннисчилар Борис Беккер ва Михаэль Штих АҚШлик Глорияга ўзларининг шахсий соқчиси бўлишни таклиф этишди. Глория ниҳоятда гўзал аёл. Бундан таш-қари у курашнинг каратэ, дзюдо, тэквондо тур-ларини шу қадар яхши ўзлаштирганки, ҳозирча унинг олдида тушадиган бирорта эркак топил-майпти. Илгари Глория Д. Хофман, Р. Ниро сингари кино «юдуз»лари билан ишлаганда ўз юмушини қойилмоқом қилиб бажарганди.

ҲИСОБ 1:0, КАЛАМУШЛАР Фойдаланиш

Мутахассислар ҳар каламуш бир дол-лардан камига тумнаслигини айтди. Қозғистоннинг шимолидан жануб сари салб юришини қилган каламушлар Ишим ўлкасини орда қолдириб, Қарағанда вилояти ҳудудига етиб келишди. Вилоят санэпидстанцияси кеми-рувчиларга қарши оёққа турди. Бироқ зарур ускуна ва кимёвий ашёлар тақчиллиги боис бу курашда каламушларнинг қўли-баланд келяпти.

КИМ ОШИДА СОТИЛДИ

Л. Брежневнинг собиқ Чехословакия компартияси собиқ раҳбари Г. Гусакка соғва қилган автомобили ким ошиди сав-досига қўйилди.

Бир пайтлар Москвадаги ЗИЛ автокорхонаси тайёрлаган ўқ ўтмас машина 47 миллион чех кронасига сотилди. Уни пан Стебле Украина ва Россиянинг ўнқир-чўнқир йўлларига шундан бошқаси чидамайди деган мақсадда сотиб олди.

ҚОРА КУРСИДА — БУҚА

ОДИЛ суднинг жиноятчиларга мўл-жаллаган қора курсисиди буқа ўтира-доедан бўлди.

Испанияда ҳар сафар коррида (буқа билан олишув) томошалар халқ сайлига айланиб ке-тди. Шу боис маҳаллий аҳоли Мадрид атрофи-даги катта йўл ёқасида буқага темирдан улкан, рамзий ҳайкал (бўйи 12,5 метр, оғирлиги 50 тонна) ўрнатилган эди. Вино ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган маҳаллий фирма ўз мах-сулотини реклама қилишда ана шу буқа ҳайка-лидан фойдаланиб келди. Унинг винони мақтаб ёзилмаган ёки чизилмаган бирор жойи қолма-ганди. Яқинда ҳукумат йўл бўйида йирик расм-ли ташвиқотларни таъқиқловчи қонун қабул қилди. Бундан хабар топган фирма шу заҳоти буқага муҳрланган ўз иши шарифини ўчириб ташлади. Қармоққа буқа илдинди.

ҚАНДАЙ ЯХШИ-Я

Босниялик Сербия қисми ноиблари ҳужумат депутатларига қандай им-тиёлар бериши зарурлиги тўғрисида янги қонун лойиҳасини тайёрлашди.

Унга кўра, ноиблик мудлати биттадан сўнг, яна бир муддат мобайнида пенсия олишлари, умрбод уй-жой билан таъминланишлари, ўзи ва оила аъзолари учун бепул тиббий хизмат, сана-тория ва дам олиш уйларида текин даволаниш-лар ўз аксини топган. Агар парламентда янги қонун қабул қилинса, давлат депутатларнинг беш маротабагача мамлакатнинг турли бурчал-ларига кўчиб яшаш харажатларини кўтариши-дан ташқари ҳавфсизлигини таъминлаш учун шахсий соқчилар ҳам ажратиши шарт бўлади. Вафотидан сўнг эса газна ҳисобидан юртида ҳайкал ўрнатилиши лозим. Энг муҳими умр бўйи жинойи жавобгарликдан озод этилади.

АЛАМИДАН ЎТ ҚҶЙДИ

Яран (Киров вилояти) қишлоқ хў-жаллик техникумининг собиқ студенти ўкув юртига ўт қўйди.

Ўқидиган ҳайдагандан сўнг аламига чидол-мади. Иккита шериги билан тонг сахарда техни-кумга келди-да, аввал кутубхонани, сўнг дирек-тор кабинетини ағдар-тунган қилиб ташлади. Алами тарқамди шекилли, қозғоларга гургут чақиб юборди. Одамлар ёнғиндан хабар топгун-ларича ўқув юртининг 40 миллион рубллик мол-мулки қўлга айланди.

ХАМИР УЧИДАН ПАТИР...



нинг хунук оқибатлари ҳақидаги мақоласи чоп этилди. Фильмдаги ҳар бир кадр алоҳида аҳамият касб этиб, ўтмиш во-қеаларини қайта тик-лашга, тарихимизнинг ҳали ўқилмаган саҳифа-ларини ҳаққоний ёри-тишга, қолаверса, тоталитар тузум мафқураси таъйиқда тарихимиз тағтиш қилинганлиги, зиёратгоҳ ва муқаддас мазорларимиз, маъна-

шиш масканига айлан-ди. Буларнинг барчаси — аввалги ва бугунги



Ахлоқ-одоб

ИНСОН МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ГҶЗАЛ

Инсон фаолиятининг илк қадами ўз уйдан бошла-нади. Бу фаолиятнинг илбидоси қай даражада яхши ёки ёмонлиги унинг маънавий бойлиги, савия-си, муомала маданияти, умум орасидаги ҳаётини-ҳа-ракатида биллинади. Кўнунга ўнлаб одамларни учра-тмиш, асарияти билан мулоқот-да бўлдим. Албатта, уларнинг ҳар бири турлича, ўзига хос. Шунинг учун кишида ҳам турфа таассурот қолдирадиган. Тарбия кўрган, яхши хулқи кишининг муомаласи-дан «ниҳадир» оласиз, ҳеч бўлма-ганда, кўнглингиз равшанлашиб, у билан чин дилдан, самимий сўх-батлашингиз келади. Аксинча бўлса-чи, кўнглингиз сиёҳ тортиб, кўнглингизни оғир юк босиб тур-гандай бўлади. Яқинда пойтахтимизнинг кўр-кам саройидан бири Алишер Навоий номидиғи санъат саройида кичик бир хонага кириб кетдим. Кат-та зал. Одам гавҳум. Табиқни, кўн-чилик дам олиш кўннини мазмуни, хушонакка қайтишда ўтказиш ниятида келган. Фильм бошлани-шига беш-ўн дақиқа ават боп, то-мошабинлар жой-жойларини оғал-лашган. Уларнинг кўзларида кино «қандай экан» деган фикрни уқиб қийин эмасди. Олдиндаги ўрни-да икки босавлат йиғит исти-қон олиб, бамайхотир писта ча-қишарди. Енгинидада ўтирган ёши ултракор бир киши одоб би-лан: — Йиғитлар, писта чакманлар, ҳар холда... — деди. Боғи одам «ҳар холда жамоат жойи» демокки бўлди-ю, лекин ҳа-лигилар оғзидан олиб ёқасига ёпиштиришди. Енимдаги киши улар билан тортиқчи бефойда-лигини билиб, индамай қўя қол-ди. — Садатда бундай воқеаларга кўп-чилигимиз арзандаман сифатида қарашга одатланиб қол-ганмиз, шу каби арзанмаган ҳо-дисаларни бекалтарда, жамоат жойларида, транспортларда ҳам учратиб кўнуним. Шу каби салбий ҳодисаларга танқидий ёндоғин қайси-дир руҳишо «Барча нараса-га масъуляти кўзи билан қарайдиган инсонини маданиятининг энг юксак намуналарини ўнгда ҳам кўла олади», — деган эди.

Оббек ТҶРАҚУЛОВ.

Мададталаб мактублардан

МЕХРГА ТАШНАМАН

Аллоҳга шукрлар бўлиши, унинг марҳамати билан 105 ёшга кирдим. Утасим умрим давомида кўп яхши кўнларни ҳам кўрдим, мусибатлар, там-қайгулар ҳам бошимдан ўтди. Уруш йиллари кўп қатори фронтга кетдим, элим, Ватаним шаоши, ҳақиқати учун ўқ ёғилиб турган жаанларда қатна-шди, Худонинг марҳамати экан, соғ-омон қайтдим. 17 йилларки, метоб бўлиб, дори-дармонга эҳтиёж сезиб яшардим. Аслида буларни ёзмам ҳам буларди, шунчалик табаррук ёшда ҳаётга айрим қийинчиликлардан нолиб газе-тага мурожаат этишим менга бир қадар ноқулай. Бу ҳақда кўп ўйладим, охири есиларга дардимни айтишга мажбур бўлдим. Опилада олти нафар жонимиз, бир амаллаб ўч хонали уйда яшаймиз. Ўзимга болаларимдан ташқари икки хонали уйда берилиши керак эди, афсуски, ҳалигача ололганим йўқ. Президентимизнинг телевизор ва радиогаги чиқишларини кўриб, кўзимга ёш оламан. Биз қариялар ҳақидаги гамхурлик-ларни, бизга бўлган ҳўрмату эътиборларини, савоб ишларга мойиликларини сезиб, кўнглим тоғдек кўтарилади. Лекин афсуски жойлардаги ҳамма раҳбарлар ҳам хайрли ишларга бош қўшиб кетмишмиз. Аке холда, шаҳар раҳбарларимиз ҳеч бўлмаса, ҳайит кўнларни келиб ҳолимиздан хабар олишар-ди... Эл-юртимизда тинчлик устивор бўлиб қолишини, Ватани-миз янада равақ топишини яратгандан сўраб, эртаю кеч дуода йўқлаб қолувчи: Юсуфжон АБДУЛЛАЕВ, Фаргона шаҳри, Фрузе маассия, Комарова кўчаси, 66-уй, 5-хонадон.

ПИЦЦАХОНАГА МАРҶАМАТ

Талабалар тадбиркорлик ва маркетингинг фикрат дарсликлардан ўрганиб қолмай, уни амалда ҳам қўллашга аҳд қилинлар. Бу ишга Тинчлик корпуси кўнглиллари қато-ри пойтахтимизга ташриф буюр-ган Сан-Францисколик Джеффри Уилсон ҳам бош қўшди. Шундай қилиб Тошкент давлат икисодиёт университети ховлисида чорроқ ош-хона очилди. Унда мижозларга хуш ёндоган кўлаб тасмалар, жумла-дан, пицца тайёрланмоқда. Айниқ-са, ошхона гўшт, сабзавот, зира-ворлардан тайёрланган қайла кўйиб тайёрланадиган пицца кўр-рачдаларга ажратди. Пиццахонада ўн икки нафар тала-ба банд бўлади. Уларга даро-мада қароб соғатбай ҳақ тўланади. Фойданинг 25 фоизи талабаларни Халқаро бизнес мактабига тайёр-лаш учун сарфланадиган. Ҷ. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ВАКИЛЛАРИМИЗ ҲОЗИРЧА ИККИНЧИ

Павлодарда волейбол бўйича аёллар уртасида Қозғистон очиқ биричиликсининг учинчи тур ўйи-лари нўҳосига етди. Унда Тошкентнинг жисмоний тарбия институти спорт клуби ҳам қатнашди. Вакилларимиз олти учрашувнинг тўрттасини галаба билан якунлашди. Жамоамиз Павлодарнинг «Пульс» клубини 3:1, 3:1; Қарағанданинг «Ме-дин» волейболчиларини 3:1, 3:0 ҳисобида мағлу-биятга учратди. «Пульс-Камочи» жамоаси билан учрашувнинг ҳар иккисиди ҳам 0:3 ҳисобида ик-кониятнинг бой берди. Финал ўйинларининг учинчи турдан сўнг жа-моамиз иккинчи ўрнини эгаллаб турибди. Сўнгиги тур ўйинларини март ойида Алматыда ўтказилади. «ПРАХТАКОР-79» ХОТИРА ТУРНИРИ БОШЛАНДИ Кеча футбол бўйича анъанавий «Прахтакор-79» хотира турнири бошланди. 1980 йилдан буён ўтказиб келинаётган бу тур-нирда Наманганнинг «Навбахор» жамоаси бош-қаларга нисбатан кўпроқ муваффақият қозонган. Наманганликлар олти марта финалга чиқиб, беш марта турнирнинг бош совринини қўлга кири-тишган. Сўнгиги марта улар ўтган йили Жиззахнинг «Сўғдиёна» клубини финалда 4:0 ҳисобида мағ-лубиятга учратиб турнир ғолиби бўлишган эди.

Жанубий Корея, Таиланд ва мезонларнинг полволлари қатнашди.

86 кг вазнлилар баҳсида қатнашган ҳамюртимиз Армен Богдасаров Япония ва икки россиялик рақибини соғ мағ-лубиятга учратиб, халқаро турнир ғолиби бўлди. Иккинчи ҳамюртимиз Дмитрий Соловьев эса финалда франциялик Дие билан бўлган кескин бешлашувда ютқазиб қўйиб, тур-нирнинг кумуш медали билан тақдирланди.

ШУҶРАТ ЯНА ҶОЛИБ

Мерганлик бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари якунланди. Унда XII Осиё ўйинларининг бешта медали соҳиб, қитъа рекордчиси Шўҳрат Аҳмедов яна зафар қозонди.

У ХТ-3 русумли тўптончадан отишда асосий рақибни, қитъа олимпиадаси совриндори Энвер Осмоновни икки очко орда қолдириб ва биллур совринни қўлга киритди. Аёллар уртасида Юлия Савинич ХТ-4 русумли тўптонча-дан отиш бўйича ғолиб чиқди. Шунингдек, В. Скоромнов, В. Байко ҳам мерганликнинг бошқа тоифалари бўйича Ўзбекистон кубоги соҳиблари бўлишди.

Мусобақа апрель-май ойларига Хиросима-Сеул шаҳар-ларида ўтказиладиган жаҳон кубоги баҳсларининг дастлаб-ки босқичида қатнашадиган мамлакатимиз терма жамоаси таркибинини аниқлашда муҳим роль ўйнади. Г. САОДАТОВА.

ХАЛҚ СҶЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖҶРАБОЕВ.

БҶЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодиёт 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Аxbорот 32-29-89; Туғси муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҷ. Сатторов. Навбатчи — Ф. Шермухаммад.